

«Дунё хаводис[1] ўчоғидир» демишлар, тўғри бир сўз.

Йигирма саккиз(инчи) февралда Русияда хуррият бўлди, императўр Николай тахтдан тушурилди. Кўнсул Миллер Когондан Бухорога кируб, «Наминор» хавлисида ўтурди.

Халк оғзинда янгигина бир сўз тушуб қолди: «Бухорода хуррият бўлар экан. Муни ёшларнинг билаги билан рус кўнсулхонаси қила(р) экан».

Кўнсул Миллер Бухоронинг баъзи жамоалариндан баъзи одамларни ёнига киргузиб гапурди.

Шул чоғларида қозикалон Бурхониддин билан раис Абдуллоххўжа Садур[2] ва муфти Аскар Маснаф[3] маҳдум қатл этилдилар. Бунларнинг ўрнида Мухаммад Шариф маҳдум қозикалон ва Абдулсамад маҳдум раис бўлдилар. Бу ҳодиса Бухоро халқининг қизгин бир ҳаяжоинига сабаб бўлди.

Апрелнинг еттинсанда амиримиз бир баённома чиқордилар. Апрель саккизида Бухоро ёшлари бойдок[4] чиқориб муборақбод қилдилар. Муллалардан бир жамоа чиқиб шул бойдок чиқорганларни қоғир деб ўлдурмокчи бўлдилар. Ҳукумат ёшларнинг бирини[5] тутуб етмиш беш таёқ урди.

Апрел тўққузда қушбеги одамлари ёшларнинг уйларини босдилар. Тоғанларини кетуруб «обхона» деган рутубатли бир маҳбусда қамадилар ва иккитасини яна ҳукумат амри билан етмиш беш таёқдан урдилар. Ёшлар қочиб Когонга чиқдилар. Абдулҳамидхон раисликдан тушди. Маснаф маҳдум раис бўлуб келди. Самарқанддан рус солдатлари келиб обхонадаги ёшларни қутқорди.

Мана шунлар бир-икки ҳафта орасинда бўлуб ўтган ҳодисалар. Хар бири — бир маъно! Мен аниқ биламанким, шул ишларнинг ҳақиқат ҳикматлариндан руслар билан ёшлар ва Бухоро беклариндан бошқа қимса хабардор бўлмади. Бухоро халқи на муллабаччалари, на саҳроийлари, на қосиблари бу қоронғу воқеалардан бирор нарса онглаёлмадилар.

Тўғридир: хар ёнга югурдилар, истамаймиз, «ўлдирамиз, газо[6] қиламиз» дедилар.

Нимани истамадилар, қимни ўлдурмокчи бўлдилар, қимнинг газосига чиқдилар? Бунларни онглаганлари йўк!.. Мана бул рисолани[7] шунларни онлатмок учун қўлимга олдим. Негаким, тилагим ҳақиқатни халқга онлатмокдир.

Ҳақиқатни бутун очиқ онлата билмак учун бул рисолани уч бўлаққа тартиб этдим:

1. Бухоронинг ҳоли.

2. Фитна соатлари.

3. Ёшларнинг тилаклари.

Иликотимиздаги[8] ишларнинг буюкроги, албатта, экинчилик, яъни дехконликдир. Биз бу ерда ҳукуматимиз билан дехконлар орасиндаги ишларни арз киламиз. Бухоронинг дехкончилик ерлари тўрт турлидир. Амлок[9], мулки хур[10], вакф[11]. Бухоро ерларининг тўртдан бири мулки хур билан вакф бўлса, бошқаси амлок билан мулки хирожий[12]дир.

Мана Бухорода шул амлокни нечук олалар: Бухоро ҳукумати Бухоро теваракиндаги туманларнинг амлокини олмак учун амлокдорлар тайин қиладилар. Аммо вилоятларнинг амлокларини бекордан оладилар. Хар вилоятнинг беги ўз вилоятига амлокдорлар қўядир. Хар амлокдорнинг неча оти, сайиси[13] ва хизматкори бордир. Бутун шунларнинг муҳаррифлари[14] бечора дехконларнинг устинадир. Амлокдорлар Бухоро ерларини икки турли истифо[15] қилалар. Биринчиси «хасбар»[16], иккинчиси «хирман». Туманлар, Чаҳоржўй, Кармина, Хатирчи, Миёнкал ерларини «хасбар» тариқи билан истифо қилалар. Бухоронинг бошқа вилоятлари хирман тариқи билан истифо қилинадилар. Бу тариқларнинг иккиси даҳи ямондир. Иккисига ҳам золим ва инсофсизлик қўб бўладир.

Хасбар тариқи шудир: экин етишгандан кейин амлокдор ўз одамлари билан бало қўшуни қаби истифога чиқадир. Кечалар навбат билан дехконларнинг уйларига қўнуб, кундузлар истифо қиладир. Хануз хирман қилмаган устига қелиб ҳеч бир нарсани қилмаган йўлдошлари билан таҳмин қилуб бир нарса ёзадир.

Хирман қилинмаган, бичилмаган экинларнинг қанча қикорини қилмак албатта қуч: мундай таҳминлар ҳеч тўғри қикмайдир. Ё амлокдорларнинг ва ё дехконларнинг ҳақи албатта қетадир, лекин бизнинг амлокдорлар ўз ҳақларини бошқага ўтқармайлар, балки дехконнинг ҳақиға жавр қиларға тиришалар. Бечоранинг ўн ботмонлик экинини йигирма ботмон таҳмин қилуб дафтарда ёзалар.

Хирман истифоси шудирқим, дехкон экинини бичиб, хуббидан[17] қикориб хирман қиладир ва амлокдор жанобларини қутиб турадир. Амлокдор қелмагунча бола-чақаси очликдан ўлса ҳам меҳнат қилиб етиштирган ҳосилиндан озгина ололмайдиқлар. Олсачи, боши балода қоладир икки қорак олса, амлокдор ҳабар олиб қеладиқ ва бечорани ёғочларға осиб қамқинлар билан уруб, уч-тўрт ботмоннинг очқасини оладир. Истифо қамони қелғач, амлокдор жаноблари одамлари билан қикиб юқорида ёзганимиз қаби хирманлар орасинда қезиб, таҳмин қилиб дафтарларда ёзадир.

Амлокдорлар таҳмин қилиб ёздиклари ҳосиллардан бошлиқ ҳақини шул қогда олмайлар, ёлғуз таҳмин қилиб қеталар. Дехкон хирманини қўтарадиқ, масалан, бугдойни элтиб, арзонлик қогинда юз тангадан сотадиқ. Вактлар ўтуб бугдой юз элли(қ) танғаға қикгандан кейин амлокдор бошлиқ ҳақини талаб қиладир. Ул вақт бечора дехконларидан юз элли(қ) тангадан пул оладир.

Энди бир дехконни қўзимиз олдинда қетуриб шу ишларни унинг устинда юриқайлик, қўрайлик нима бўлар. Масалан, Турсун отли бир дехконнинг тўрт танобғина ери бор, қеча уйқусизликлари, қун очликлари орасинда юғуруб, қопиб, иссиқ-совуқ демай, қўш

боғлар, хирман совура, ўн ботмонгина бугдойни хирман килиб хозирлаб қўяр, лекин бола-чакалари очликдан ўлса ҳам амлоқдор бек келмагунча шунча меҳнат билан ҳосил бўлган бугдойиндан бир ховуч ололмас.

Олса, бир ховуч еринда бир ботмон бугдойни йигирма ботмон тахмин киларлар. Кафсан, от еми, мирзоёна[18] — нималар дебон бир ботмонча бугдойни олиб кетарлар. Бечора Турсун колган тўқкиз ботмон бугдойни қўтарадир. Бозорга элтиб, юз тангадан тўқкиз юз тангага сотадир. Хафта, ойлар ўтуб бугдой нархи 150 тангага чикгач, амлоқдор бек ҳақларини талаб килалар ва Турсунбойни йигирма ботмон бугдойнинг учдан бири бўлган олти ярим ботмон бугдой учун бозор нархи юз элли(к) тангадан тўққуз юз етмиш беш танга оларлар. Мана бозорга бечора Турсун бир йиллик меҳнат килиб чиқардиги бугдойдан етмиш беш танга зарар тортиб чиқадир.

Лекин иш шунча битдими? Йўқ, яна бир буюк масъата колди: Турсун-ку ўз бугдойининг пулларини неча ойдан еб битирган эди. Амлоқдорга бу тўққуз юз етмиш беш тангани каердан топиб берди? Хиндилардан, яхудийлардан ё хинди табиат мусулмонлардан фойдага қўтариб берадир. Бизнинг дехконларимизнинг уйини куйдирган қайдадир? (Муни кейинроқда арз киламан.) Эмди қўрайлук, кани, бу ҳукумат билан шу амлоқдор беклар ким, бечора дехкондан имкони(ча) меҳнат килиб, чиқардиги ҳосилни бутун оларлар, бирор кун, бирор йўл билан шу дехконнинг бирор ишига қўмак килурми? Албатта, йўқ.

Хатто бутун қўлимиздан тортиб олдиклари экинларнинг суйини ҳам кетуруб бермайдир. Шунинг учун ҳам дехконнинг уйини куйдирадилар.

Йилда бир дафъа ариқдарни казмок керакки, бу ишни бухоролилар «хашар» дейлар. Ариқдан сув ичатурган бутун дехконлар йилнинг олти ойинда шул хашар учун кунда бир мардикор (ишчи) бергулидир. Бера олмасалар бир мардикорнинг кундалик окчасини ҳукуматга бергулари лозимдир. Мухорабадан[19] бурун бир мардикорнинг кундалиги 10 танга эди, аммо шу кунларда кирктанга (олти сўм). Ўн таноб ери бўлган бечора бир дехкон ҳар йилнинг олти ойинда ё бир мардикор тутиб хашарга берадир ва ё шу мардикорнинг олти ойлик окчасини ҳукуматга берадир, бошка чораси йўқдир. Бир мардикорнинг шу кунларда олти ойлиги 7200 тангадир. Аммо илгари 1800 танга бўла(р) эдики, бу ҳам бечораларга оз окча эмасдир.

Тухумга[20], ҳўкузга, от аробага пул берган бечора дехкон ҳар йил хашар учун мунча окчани каердан топиб берадир?

Олдиги ҳосилданми? Уни-ку амлоқдор олиб кетди, бечора дехкон бу окчани хиндилардан фойдага қўтариб берадир. Бундан бошка пойтахтнинг атрофиндаки ерларга сувни адолат юзасиндан бўлиб бермак учун бир мироб (яъни сув беги) бор, бу одам сувни таксим килиб бермак еринда қўнугини (навбатини) дехконларга сотиб турадир. Сув беги жанобларига йилда бир неча дафъа окча бермаган дехконлар сув ичолмайлар.

ЗАКОТ

Бухоро хонлигинда икки турли закот бор: биринчиси мол закоти. Шаръий бўйинча хар мусулмон ўз окчасига йилда бир дафъа закот берадир. Лекин Бухоро савдогарлари ўз окчаларига йилда беш-олти, хатто ўн дафъа закот бералар: масалан, бир савдогар Бухородан йигирма минг тангалик мол олиб, Каршига элиб сотса, бир закот берар. Яна у ердан шу окчага мол олиб Бухорога келса, бир закот берар. Ва яна Бухородан шу окчага мол олиб Каршига кайтса, бир закот берар. Шундайин ўн йўла кетиб, келса ўн йўла закот оларлар. Бунинг зарари ёлгуз савдогарнинг ўзинда бўлса сўз йўк эди. Чунки савдогардир, бойдир, озгина кўброк окчаси кетса ҳам зарар килмайдир. Лекин у савдогар бу ортук ердаги закотларни мол устига кўйиб сотадир. Демак, бундан ҳам кашшоклар ҳам дехконлар зарар торталар.

Иккинчи закот — качи закотидир[21]; кўй билан качидан олинадир. Кўй билан качининг закоти хакикатан киркдан бир бўлса ҳам, саррофона, котибона[22] ва, билмасам, нималар деб йигирмадан бирга тушуриб кўялар. Бунлардан бошка чакана закоти[23] деб нисобга эришмаган кўйлардан шариатга махоликзакот оларлар. Закоти олинган кўйлар ва качиларнинг таниндаки йўниндан[24] дахи закот олмокдари кўб буюк масхаралик эмасми?

Закотда зулмларнинг каттароги шулким: кўй ва качи закотини дафтар юзиндан оларлар. Масалан, ўтган йили маним кирк кўйим бор эди. Келиб дафтарда ёзиб закотини олиб кетдилар. Сўнгра маним кўйларим ўлди ёинки сотиб битирдим. Бу йил бирта ҳам кўйим йўқдир. Лекин закотчи бек келгач, дафтарни очиб кўралар, ким, маним отимда кирк кўй ёзилган; иши битди, мендан бир закот олиб кеталар. Кўйим йўқдесам онинг дафтарида бор деярлар «бор эди, лекин сотиб битирдим» десам тингламайлар. «Йўк, бермайман» десам уриб, осиб ола(р)лар[25].

(«Хуррият», 1918 йил, 69—72, 75-сонлар)

[1] хаводис — ходисалар.

[2] раис Абдуллоххўжа Садур - вакф ва дин ишлари билан шугулланувчи амалдор Бухоро хонлигида раис деб юритилган, у кўпинча садрлардан бўлгани учун, колаверса, бу мансаб диний ишлар билан боглик бўлгани учун садр ва эшонлар кўйилган. Абдуллоххўжа эса, Фитрат бошлик жаидчиларнинг талаби билан амирнинг буйругига кўра катл килинган эди (бу ҳақда Фитратнинг аввалги маколаларида ҳам сўз юритилади).

[3] муфти Аскар Маснаф - шариат масалаларини талкин килувчи ва шул ҳақда ҳукм чиқарувчи Бухоронинг юксак лавозимдаги шахсларидан. Козикалон Бурхониддин билан бирга бу лавозимдаги кишилар ҳам катл килинган эди. Бу ҳақда қаранг: Фитрат. Бухоро уламози, «Хуррият», 1917, 48-сон.

[4] Бойдок — намоиш.

[5] Бу шахс Ф. Хўжаевнинг шаходатига кўра (Ф. Хўжаев. Асарлар, I жилд, Тошкент, 1976, 118-бет) Мирза Насрулла эди. 17 мартда амир чикарган манифест муносабати билан намойиш ўтказилган бўлиб, бу намойиш иштирокчиларидан, яъни ёш бухороиларнинг фаолларидан бир нечасини Амир «обхона»га каматган эди. Калтакланган Насрулла эртасигаёқ вафот этади. Маколанинг куйирогида Фитрат яна икки киши калтакланганини ёзади. Улар С. Айний ва Мирбобо эдилар. Камокдан улар билан бирга Отахўжаев ва Юсуфзодалар ҳам озод этилади.

[6] «Газо» - мусулмонларнинг ялпи уруши, мазлумларнинг золимларга қарши урушидир. Бу ерда: камбагал мусулмонларнинг ўз душманларига қарши уруши назарда тутилади.

[7] «Рисолани... кўлимга олдим» - Таассуфки, бу рисола охиригача етмаган. «Бухоронинг холи» деб номланган биринчи қисмдан айрим мақолалар чоп этилди, ҳолос. «Фитна соатлари» деб номланган иккинчи, «Ёшларнинг тилақлари» деб номланган учинчи қисм эса, кейин ҳеч қаерда эълон этилмаган. Бизнингча, у ёзилмай қолиб кетган.

[8] Иликот – кўлимиздаги; бу ерда: кундалик маъносида.

[9] Амлок – бу ерда: амлок – мулклар, яъни давлат томонидан солиқ олинадиган махсус рўйхатдаги ерлар.

[10] мулки хур – озод ерлар, яъни солиқолинмайдиган ерлар.

[11] Вақф – мулкдорлар томонидан диний муассаса, масжид ёки мадраса тасарруфига берилган ерлар. Унда ишлаб, қўрган фойдалари айни муассасалар учун сарф бўлади. Вақф ерларини сотиш ёки бировга хатлаб бериб юбориш манъ қилинади.

[12] Хирож – ердан олинадиган солиқ, бу ерда: мулки хирожий – солиқ талаб этиладиган ерлар.

[13] Сайис – иш юритувчи.

[14] Мухарриф – сарф-харажат.

[15] истифода — фойдаланмок.

[16] Хасбар – хос (махсус) ва бар (самара, натижа) сўзларидан ҳосил қилинган бу тушунча солиқ ундиришнинг бир усули бўлиб, бунда ҳосил битмай туриб (кечаси ё кундуз тўсатдан) ерлардан олинадиган ҳосил тахмин қилиниб, ёзиб кетилади. Мана шу тахмин бўйича Бухоро дехконларининг ерларидан солиқ ундирилган.

[17] Хубб – севиш, муҳаббат билан, бу ерда: (хуббидан чиқариб – қўнгилдан чиқариб, астойдил, муҳаббат билан маъноларида.)

[18] Кафсан, от еми, мирзаёна – кафсан маҳаллий туман маъмурияти учун (туман бошлиқларининг идоравий сарфи учун) олинадиган солиқ; от еми – амир сарбозларининг

отлари учун деган бахона билан олинадиган дон солиги; маҳаллий ҳокимиятдаги хат, хужжат ишлари деб олинадиган солик мирзаёнадир.

[19] мухораба — уруш, бу ерда: Биринчи жаҳон уруши назарда тутилади.

[20] тухум — уруг, бу ерда: уруглик маъносида.

[21] қачи закоти — қўй, эчки қаби чорва молларидан келадиган фойданинг қирқдан бири миқдорида олинадиган солик. Бу ерда: «қачи-қичи — эчки» маъноларида ишлатилади (шевага оид сўз).

[22] сарфона, қотибона — сарф-харажатлар учун, қотиблар учун деган баҳоналар билан қирқдан бир эмас, балки йигирмадан бир миқдоридан олинадиган закот.

[23] чакана закоти — нисобга (хисса, миқдор, бу ерда: хисобга қўшилмаган маъносида) эришмаган уй хайвонларидан олинадиган солик. Масалан, хисоблаш пайтида бу қўй ва эчкилар йўқ бўлиб, улар рўйхатга олишдан кейин тугилган. Улар учун чакана закот олинган.

[24] таниндаки (танидан) йўниндан (йўсининдан) — закот олинган уй хайвонларининг танидан (хисобидан) яна закот олиш (худди савдогарлардан бир неча бор закот олингани қаби).

[25] Мақола тугалланмаган эканини юқорида айтилди (буни ушбу фикрнинг тугалланмаганидан ҳам билса бўлади).